



**Кўштепа тумани Қоракалтак МФЙда жойлашган 35-ДМТТ биносини  
жорий таъмирлаш ишлари бўйича**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

1. Пудратчи ташкилотнинг тулик юридик манзили, солиқ ва банк реквизитлари

2. Корхона гувоҳномаси

3 Корхона низоми

4. Тижорат таклифи (ўзбек тилида ёки лотин алифбосида) таъмирлаш учун таклиф қилинган сумма бўлиши ва ишларни бажариш муддати.

5 давлат буюртмачиси (ташкилот) раҳбари номига энг яхши таклифда катнашиш учун алоқа хати.

6 Ушбу объект учун ишланган бажариладиган ишлар офёрта

7. материаллар ведомости

8. Пудратчининг банклардан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тижорат банки маълумотномасининг асл нусхаси. (энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича)

9. ҳисоб рақамида объектнинг умумий қийматининг 30% миқдорида пул маблағлари мавжудлиги.

10 Ҳисобот чорагида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги ҳақида ҳудудий ДСИнинг маълумотномаси асл нусхаси. (энг яхши таклиф ўтказиш кунига 5 иш куни бўйича)

11 Зарурий техникаларнинг мавжудлиги (таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун)

12 Малакали ишчи ходимларининг мавжудлиги

13. пудрат ташкилотининг уч йиллик бажарган ишлар тўғрисидаги маълумотлар. (ташкилот ва идоралар кесимида) ва ижобий хулосалар олинганлиги.

14. Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги тўғрисида маълумотнома.

15. Смета лойиҳаси сарф харажатлари голиб ташкилот томонидан қопланади.

16. Пудратчи билан ҳисоб-китоблар миллий валюта сумда амалга оширилади

17. Барча ҳужжатлар узбек тилида тайёрланиши зарур.

18. Пудрат ташкилотини электрон базадаги рейтинги .

19. Голиб деб топилган иштирокчи билан шартнома имзолангандан сунг олдиндан 30% тўлов амалга оширилади қолган 70% тўлов иш якунланиб иш ҳажми, сифати комиссия аъзолари томонидан текширилгандан сунг тўлаб берилади

20. Энг яхши таклифга қуйиладиган иш хизматлар қиймати ККС сиз (без НДС) эканлиги инобатга олинсин.


21. таклифлар комиссияси томонидан ЎРҚ-684-сон қонуннинг барча талаблари бўйича кўриб чиқилади.

22. Таъмирлаш ишларини смета лойиҳа ҳужжаталрига мувофиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида, таклиф тақдим этаётган субъектлар томонидан тижорат таклифи қиймати буюртмачи томонидан тақдим этилаётган қийматнинг 90% пасаймаслиги шарт. Чунки таъмирлаш ишларини бажаришлик эҳтимоллиги комиссия томонидан инобатга олинади ҳамда умумий қийматнинг 90%дан пасайтирилган тақдирда кўриб чиқилмайди.

**Қўштепа тумани мактабгача  
таълим бўлими ЭХ бошлиғи:**



**Р.Тошхўжаев**



ТАСДИҚЛАЙМАН  
Кўштепа тумани Мактабгача  
таълим бўлими мудир  
И.Б.Махмудова

Бажарувчи ташкилотини танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Кўштепа – 2022

# Танлов иштирокчилари учун техник топширик

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: Мактабгача таълим бўлимига қаршли 35-сонли ДМТТ да жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш

1.2. Танлов охириги қиймати 177 325 025 сум. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсуслот бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов шартномаси бўйича ютиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Фирма вилояти Қўشғена тумани Мактабгача таълим бўлими (бундан кейин "Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Қўшғена тумани Шодлик МФЙ, адрес:

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.

Танлов - "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.

Танловда иштирок этиши учун талабдорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади: танлов предмети қийматини камида 10 фоизи миқдоридан айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги:

- шартномалар гузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий таъқат ва ваколатлар;
- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлар тажрибасининг мавжудлиги;
- ўз кучлари билан иллари бажарилган иш ҳажмлари турисидаги маълумотлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар(хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонуқчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабдорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабдорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкилот этилиши (ажрақилиниши, қушилиши), тугатиши ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассаселик келишув, молниявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир биринга молниявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШИ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон қурилишида (etender.uzex.uz) порталга электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига қура ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши керак;

- Нархлар қисми. Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган ҳужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади:

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.5. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Толиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлаг буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан қаида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қодаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан қаида икки кун олдин келиб тушган бўлса ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қодаларига дойир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойир тушунтиришларни такдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлаг буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.